

# МУГАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 1/1 2022 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**  
**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**  
Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ  
Өсербай ӨЛЕҰОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ  
Гулнара ЖУМАШЕВА  
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Асқарбай НИЯЗОВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендириў**  
**Министрлиги, ӨЗПИИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы**  
**Министрлер Кабинети**  
**жанындағы Жоқарғы**  
**Аттестация Комиссиясы**  
**Президиумының 25.10.2007**  
**жыл (№138) қарары менен**  
**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз хәм**  
**хабар агентлиги тәрепинен**  
**2007-жылы 14-февральдан дизимге**  
**алынды №01-044-санлы гуўалық**  
**берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,**  
**Ерназар Алакөз көшеси №54**  
**Тел.: 224-23-00**  
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,**  
**mugallim-pednauk@umail.uz**  
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

*Журналға келген мақалаларға жуўан қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жуўапкер.*

# МАЗМУНЫ

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Рахмонов А.Р.</b> Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш асосида миллий ватанпарварлик туйғусини шакллантириш .....	4
<b>Шерматов М.Н.</b> Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик .....	7
<b>Якубова М.Ю.</b> Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативлиқни шакллантириш .....	11
<b>Байметов М.М.</b> Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари .....	14
<b>Балтабоев С. А., Сагторов В.Н.</b> Талабалар мустақил ишлашини илмий ташкил қилиш ..	18
<b>Караев В.Ш., Маматқулова З.С.</b> Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш .....	21
<b>Сайидова М.Х.</b> Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитиш - талабаларда умумкасбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омили .....	25
<b>Нурматов Ф.А.</b> Таълимнинг мактаб тизимида валеологик тарбияни муаммолари .....	30
<b>Турсунов А.Э.</b> Ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари .....	32
<b>Халмухамедова М.А.</b> Нақшбандия тариқати илмий мероси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш .....	36
<b>Хамидов Ж.А.</b> Ўқувчиларни креатив тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш .....	39
<b>Чориев И.Р.</b> Специфика процесса подготовки в современной системе повышения квалификации .....	44

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙҲ, ФИЛОСОФИЯ

<b>Анкабаев Р.Т., Ибрагимов Х.Х.</b> Тўғарак машғулотида халқ амалий безак санъати ривожининг педагогик муаммолари тарихидан .....	48
--	----

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Абдуллаева М.С.</b> Ўқувчилар касб – ҳунар кўникмаларини ривожлантиришда робототехниканинг ўрни .....	52
<b>Лухманов Д.Б.</b> Баркамол авлод болалар мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик тўғарақларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш .....	56

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

<b>Шермухамедов Р.С.</b> “Баркамол авлод” болалар мактабларида тўғарақлар фаолиятини ташкил этишнинг инновацион технологиялари .....	62
<b>Юсупбаева А.С.</b> Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний ривожланишида ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш .....	67

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

<b>Sultonov Z.S.</b> Maktabda jismoniy tarbiya darslarini o‘tkazish xususiyatlari .....	72
<b>Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р.</b> Фолиб ва мағлуб курашчилар мусобака олди рухий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги .....	75
<b>Абдулахатов А.Р., Қўлбулов Ф.Н.</b> Спорт умуминсоний кадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида .....	80
<b>Болтаев Ш.Э.</b> Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машғулот жараёнини ташкил этиш .....	87
<b>Худойберганов Ж.С.</b> Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш .....	92
<b>Жумаев А.Т., Турдиев Ф.А.</b> Бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракатли ўйинларни кластер усулида олиб бориш .....	95
<b>Зокиров У.М., Абдуназарова З.А.</b> Актив ва пасив туризм турлари орқали ўқувчи-ёшларнинг жисмоний фаолиятларини ривожлантириш .....	100
<b>Зокиров У.М., Назаров Ф.И.</b> Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш .....	103
<b>Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А.</b> Професионал футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириш меъёрлари .....	106
<b>Одилов О.Н.</b> Жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият .....	110
<b>Султонов А.И.</b> Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машғулот жараёнини ташкил этиш .....	114
<b>Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А.</b> Умумий ўрта таълим мактабининг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш ..	118
<b>Хабибуллаев С.Х., Джурабоева Д.</b> Мини футбол бўйича мусобакаларни ўтказишда мусобака қоидаларининг аҳамияти .....	122
<b>Шадиев А.Ё.</b> Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётга татбиқ этиш .....	125
<b>Утепбергенов А.К., Шукурллаев Ж.М.</b> Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашув .....	128
<b>Зуфаров Т.У.</b> Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста .....	132
<b>Маматқулов Р.С.</b> Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений .....	136
<b>Маматқулов Р.С.</b> Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики .....	140

бир сабоқ ёки ўрганиш вақти деб эмас, ижодий вазият деб қабул қилишга олиб келади.

Ўқувчи ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай шахсда бўлгани каби ўқувчиларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун мактаб таълими жараёнида пойдевор қўйишни ташкил этиш ва изчил ривожлантириб бориш керак.

Хулоса қилиб шуни баён этиш мумкинки Бунда ўқувчининг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларда ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, мустақил ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Адабиётлар:

1. Torrance, E.P. Torrance Tests of Creative Thinking. – Scholastic Testing Service, Inc. 2004.
2. Yakubova M. (2020). Ta'lim-tarbiya jarayonida kreativ yondashuvning dolzarbligi va uning ahamiyati. Xalq ta'limi, 3(1), 84-88. б.
3. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси // Uzluksiz ta'lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. –102-б.
4. M. Y. Yakubova. Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute (ARES) VOLUME 1 ISSUE 3 ISSN:2181-1385 www.ares.uz 11.2020й № 1057-1062.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришнинг йўналишлари, шунингдек шахсда креативлик қобилиятини ривожлантириш аҳамияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описаны направления формирования творческих способностей у школьников средней школы, а также важность развития творческих способностей у личности.

SUMMARY

The article emphasizes that the formation of creative abilities in schoolchildren is one of the priorities, as well as the importance of developing creative qualities in a person.

## ЎҚУВ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

*Байметов М.М.*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим” факультети “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** интеграция, тамойиллар, психологик хусусиятлар, дидактика, илмийлик тамойили.

**Ключевые слова:** интеграция, принципы, психологические свойства, дидактика, принцип научности.

**Keywords:** integration, principles, psychological properties, didactics, the principle of science.

Дидактик тамойиллар таълим жараёни қонуниятлари, мазмуни ва методларини белгилаб берувчи ўқитиш принциплари. М.Н.Скаткиннинг таъкидлашича, ўқитиш тамойили ўқитувчи ва ўқувчининг бир мақсадга йўналтирилган ҳамкорлиги ҳамда шу ҳамкорлик натижасида кўзланган мақсадга эришиши-дир. Ўқитувчининг касб маҳорати, ўқувчининг ўрганувчан фаолиятини бир қилишга солиб, мақсадга эришишини таъминлай-диган қоидалар таълим жараёнида дидактик тамойиллар моҳияти-ни ташкил этади.

Ўқув-билув жараёнида махсус фан асосларининг ўрганилиши учун ўқитувчини амалий фаолиятга йўлловчи ўқитиш фаолиятлари ишлаб чиқилади. Бу тамойиллар бутун бир педагогик фаолиятнинг асоси, бошланғич ҳолатини белгилаб беради. Ушбу тамойиллар ўрта махсус, касб-хунар таълими мақсади ва фаолияти мазмунини ҳам оидинлаштиради. Ўқувчи-ларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали дидактик жараёни ташкил этишга имконият яратади, таълим-тарбия мақсадини муайянлаштиришга таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, дидактик тамойиллар ўз таркиби, қонуниятлари ва таснифини ҳеч қачон бир хилда сақлаб қолаолмайди. Улар ҳар бир даврга мос тарзда, жамиятнинг ривожланиши, таълим тизимига қўйиладиган ижтимоий талаблар асосида ўзгариб, шаклланиб боради. Вақт ўтиши билан айрим тамойиллар ўз аҳамиятини йўқотади, баъзилари янада такомил-лашиб, янгиланиб боради. Демак, дидактик тамойиллар ўқув фанларининг ривожланиб, мукамаллашиб бориши билан баробар жамият талабларига мос ҳолда янгиланади. Айни пайтда дидактик тамойиллар жамиятнинг ўрта махсу, касб-хунар таълими олдига қўйган вазифаларини қамраб олади, ўқитишни ташкил этиш хусусиятларини қаноатлантиради. Ўқув-билув жараёнида мазмун, метод, шакл бирлигини таъминлайди.

Мамлакатимизда миллий дастурни амалиётга татбиқ этиш асосида таълим тизимини янада ривожлантириш коллежлар ўқув-тарбия жараёнини давр талабларига мос тарзда такомиллаштириш ва таълим мазмунини янгиллаб бориш, ўқув фаолиятини мунтазам ривожлантириб боришга боғлиқ. Шунга кўра, коллежларнинг ўқув фанлари мазмунини белгилашда ўқувчининг ўқув материалини идрок этиш фаолиятини жадаллаштиришга имкон берадиган дидактик тамойилларга таяниш зарур. Коллежлар таълим мазмунида амалиётлар интеграциясини таъминлашга муҳим дидактик тамойил сифатида асосланиш орқали унинг сифати оширилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар ҳамда дидактик тамойилларнинг ҳар бири ўқув-тарбия жараёнини давр талаблари асосида ташкил этиш имконини беради. Зеро, амалиётлар интеграциясининг таълим-тарбия тизимига киритилиши дидактик тамойилларни қўллаш имконини кенгайтиради.

Коллежларда махсус фан тушунчаларини бошқа фанлар таркибига сингдириш натижасида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлиги таъминланади. Коллежларда амалиётлар интеграциясини таъминлаш учун педагогикада маълум бўлган, қуйидаги асосий дидактик тамойилларга таянилади: ўқитишнинг илмий-лиги; назария ва амалиётнинг бирлиги; ўқитиш ва тарбиялашнинг мунтазамлиги; ўқитишда тарихийлик тамойили; ўқув жараёнини жадаллаштириш тамойили.

Илмийлик тамойили - бу фақат таълим мазмунида янги илмий ютуқларни ас этириш билан чегараланмасдан, балки илмийлик бизнинг фикримизча, у ёки бу фаннинг асосий қисмини ташкил этиши, ўқув фанининг хусусиятларини ҳисобга олиб, ўқувчиларни билиш фаолиятини ривожлантириш лозим. Машғулот жараёнида билим ўрганиш фаолият натижаси сифатида эмас, балки фаолият жараёни сифатида эътироф этилиши керак. Коллеж ўқувчилари махсус фанлардан эгаллаган билимларини амалиётлар интеграцияси асосида ўз тажрибасида синаб кўради ва уни қўллаш усулларини топади. Шу асосда ўқитиш ва тарбиялашнинг илмийлигига эришилади.

Назария ва амалиётнинг бирлиги тамойили. Коллежларда махсус фанлар асосида ўрганиладиган билимлар ўқувчилар онгига икки томонлама сингдирилади: назарий ҳамда амалий. Демак, ўқувчилар амалиётлар интеграцияси асосида билим-ларнинг назарий ҳамда амалий томонларини эгаллаб олишлари керак. Шундагина назария ва амалиётнинг бирлиги тамойили таъминланади. Амалий йўналганлик билимнинг

функционал томонини очиб беришни кўзда тутаяди, бу ўқувчиларда дунёни яхлит тизимли тушуниш кўникмасини шакллантиради.

Амалий топшириқ педагогик жиҳатдан муҳим афзалликка эга, бу эса коллежларда махсус фанлардан амалиётлар интеграцияси асосида ўқитиш жараёнида улардан мунтазам фойдаланиш самарадорлигини оширади. Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу афзалликларни ўқувчиларнинг амалий фаолиятларини ўқитиш жараёнига расман киритиш йўли билан амалга ошириб бўлмайди. Улар маълум талабларни бажаргандагина фанларнинг мазмуни, турли фанларни ўқитиш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, амалий маршрутлар кўп вақтни талаб қилади. Шунинг учун, уларни ўтказишда фақатгина эришилаётган афзалликлар, сарфланаётган вақт етарлича фойда берганида ва бу маршрутлар назарий материалларни ўзлаштириш жадаллашган ҳолдагина ўзини оқлайди.

Таълим-тарбиянинг мунтазамлиги тамойили ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий мафкура ва миллий ғурурга садоқат каби туйғуларни шакллантиришдан иборат. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ёш авлод иймон-этикодини мустаҳкамлаш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсон қилиб тарбиялаш, тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболари-мизнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилишни шакллантириш, уларни замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишишига таълим- тарбиянинг бирлигини таъминлаш таъкидланган. Азалдан мамлакатини-мизда таълим-тарбия жараёнига жиддий эътибор бериб келинади ва бугунги кунда мазкур эътибор янада кучаймоқда.

Коллежларда ўрганиладиган шахс ва жамият, давлат ва ҳуқуқ асослари, тарих, адабиёт, маънавият асослари, махсус фанлар кабилар ўқувчиларнинг илмий дунёқароши ва ахлоқий фазилатларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Бир-бирини тўлдирувчи ушбу фанлар ёрдамида ўқувчилар табиат, жамиятдаги ҳодиса ва жараёнлар, уларнинг ўзгариш қонуниятлари, ўтмишдаги ва ҳозирги ҳолатини тарихийлик тамойили ёрдамида ҳаққоний далиллар, воқеликлар асосида ўрганади. Махсус фанларни ўрганиш жараёнида амалиётлар интеграцияси асосида мазкур фанлар билан боғлиқ тарзда ўтмишдаги буюк шахсларнинг туғилган ва яшаб ўтган вақти, жаҳон цивилизациясига қўшган илмий мероси ва қарашлари билан ўқувчилар таништирилади. Тарихийлик тамойили ўқувчиларни ўрганилаётган махсус фанга нисбатан қизиқишини оширади, илмий дунёқарошини шакллантиради.

Дидактикада машғулот жараёнида янги мавзунини сифатли ўзлаштириш тақозо этилади. Зеро, бу жараёнини жадаллаштириш тамойили қисқа ва мазмунли машғулот ўтишга бориб тақаладиган дидактик ҳодисадир. Амалиётлар интеграцияси асосида ҳар бир машғулотда бир неча машғулотларнинг ўхшаш мавзуларидан мисоллар келтириб, фойдаланиш кўп вақтни талаб қилади. Бироқ махсус фандан машғулот ўтадиган ўқитувчи бир соатлик машғулотда ўрганилаётган мавзунини вақтни тежаган ҳолда, мазмунли тарзда ўқувчилар онгига еткази олиши, улар хотирасида ўтилган мавзунинг асосий компонентларини сақлаб қолганига эришиши лозим. Бунда ўқувчининг машғулотга нисбатан қизиқиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчининг билишга мойиллиги, интилиши, ҳаваси, эҳтиёжи дидактикада бир сўз билан мотивация деб аталади. Мотивация- ўқув билиш фаолиятида ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, уни вужудга келтириш ўқитувчидан маҳорат талаб этади. Мотивация - ўқув жараёнининг муҳим унсури ва айни вақтда машғулотни жадаллаштиришда етакчи омил ҳисобланади. Мотив ўқувчининг мақсад сари интилишини мустаҳкамлайди, унга эришиш учун изчил ва дадил ҳаракатла-нишини таъминлайди. Машғулотда ҳосил қилинадиган мотивация

мураккаб педагогик хөдисә бұлиб, у ўқувчиларнинг хулқи, интилишлари, қизиқиш ва майлларига боғлиқ. Шу нуктаи назардан махсус фанларнинг ўрганилишида ушбу тамойилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи машғулотда амалиётлар интеграциясидан фойдаланган ҳолда мотивациянинг 3 та -уйғотувчи, йўналтирувчи, фикр уйғотувчи вазифаларидан фойдаланади. Бунда асосий тушунчаларнинг қўлланилиши ўқувчиларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотади, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ва ўрганилган мавзунини хотирада сақланишига имконият яратади.

Махсус фандан асосий тушунчалар асосида мазкур фанларни бир-бири билан ўзаро боғлаш, уларнинг мантикий алоқадорлиги ва мазмундорлиги тақдим этилаётган машғулотнинг моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради. Бошқа фанлардан ўзлаштирилган ва қўлланиладиган атамалар, материалларнинг хусусиятлари, таълим воситалари, ўқув материаллини танлаш қонуниятлари, амалиётлар интеграцияси хусусиятлари белгилаб берилиши керак. Ўқувчилар амалий топшириқларни бажариш давомида назарий билимларни қўллай олишлари керак. Материаллар ҳажмини белгилашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бу албатта, уларнинг идрок этиш имкониятларини кенгайтиради. Шунинг учун ўқув жараёнини ўқувчиларнинг ёши ва физиологик имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади. Уларда ўқув материалига нисбатан қизиқиш уйғотиш ва диққатини жамлашга жалб этиш даркор. Ўқувчиларнинг идрок этиш имкониятлари мунтазам мураккаблашиб, ўқув ва амалий масалаларни ечиш жараёнида кенгайди. Ушбу мураккаблашиш уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишларида муҳим.

Махсус фанларни ўрганишда берилаётган ва тақдим этилаётган ўқув материалининг мазмуни ўқувчиларнинг тушунишлари учун объектив боғлиқ манзараси ҳаққоний тарзда акс эттирилиши лозим. Улар ўрганилаётган фан бўйича янги маълумотларга эга бўлишлари, улар амалий фаолиятига дастлабки топшириқларни бажариш учун аниқ маълумотларни талаб қиладиган материалларни киритиш лозим. Махсус фанлардан асосий тушунчаларсиз ўзаро амалиётлар интеграцияси хусусиятини йўқотади. Ўқувчиларда бу тушунчалар асосида мавзу бўйича тасаввур ҳосил қилинади. Бу тасаввур назарий ва амалий машғулотлар ёрдамида янада мустахкамланади.

Дидактик тамойиллар асосида машғулотларни ташкил қилиш учун қуйидаги воситалар талаб қилинади: ўқув анжомлари, техник воситалар, моделлар. Шу билан бирга, маҳаллий омилларни ҳисобга олиш, фойдаланиладиган воситаларни танлаш уларнинг хусусиятига таъсир кўрсатишини таъкидлаш керак. Масалан, амалиётлар интеграцияси қонуниятларига биноан амалий машғулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ реал вазиятлардан фойдаланиш асосида ташкил этилиши ҳам мумкин.

Махсус фанлар бўйича машғулотларда амалиётлар интеграцияси махсус фанлар асосида амалга оширилади. Кузатишлар кўпчилик ўқувчилар ҳатто, ўзини танлаган касбига тайёрловчиларни ҳам уларнинг бўлажак мутахассисликларида махсус фанларнинг аҳамиятли эканлигини тўғри баҳолай олмакликларини кўрсатади. Бундай ўқувчиларда махсус фанларга қизиқиш уйғотиш учун тушунарли мисоллар асосида турли соҳаларда бу фанларнинг қўлланилиши кўрсатиб берилиши керак. Амалиётлар интеграцияга асосланган тизим ўқувчиларни касбга йўналтириш билан узвий боғлиқ. Амалиёт жараёнида ушбу тамойилларни амалга ошириш учун фақатгина назарий билимларнинг муайян ҳажминигина эмас, балки унинг илғор соҳалари, асосий касблар, ўқитиш технологиясини ривожлантириш тенденциялари, иқтисод ва меҳнатни мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши концепцияси билан мос равишда ташкил этиш асослари ҳақидаги билимларни ҳам тақдим этиш зарур.

Ўқувчиларга турли касблар ҳақидаги маълумотларни биргина фан ўқитувчиси етказиб бера олмайди. Бу муаммони ҳал этишда барча фанлар ўқитувчилари биргаликда амалиётлар интеграцияни таъминлаган ҳолдагина муваффақиятга эришиш мумкин.

Амалиётлар интеграциясининг барча имкониятларидан дидактик тамойилларга таянган ҳолда амалий машғулотларни ташкил этиш ўқувчиларнинг назарий-амалий фаолиятларини ривожлантиришга хизмат қилади. Умуман олганда дидактик тамойиллар амалий топшириқларини бажариш, ўрганилаётган назарий ҳодисани тўлиқ тасаввур қилиш имконини беради. Бу дидактик тамойиллар фанлар мазмуни ҳақида кўرғазмалар тасаввурни шакллантиришда асос ҳисобланади. Шу билан бирга, бу тасаввурлар ўрганилаётган вазият, унинг моделини ўрганиш давомида юзага келадиган тасаввурдир.

Хулоса қилиб эътиборни ташкил қилган ҳолда амалиётлар интеграциясини таъминлаш лозим. Кўпчилик машғулотда ўқувчиларнинг ўзлари ҳаётий вазиятлар моделларини қуришади. Баъзи тушунчаларнинг мавҳумлигини тушуниш учун уларда вазиятларни шакллантириш, моделларни яратиш бўйича кўникма ва малакаларини мақсадга мувофиқ тарзда ривожлантириш зарур. Дидактик тамойиллар ўқувчиларда ўрганилаётган муаммонинг муҳим ҳолатларини ажратиб олиш, мантиқий маълумотларни таҳлил қилиш, махсус фанларга хос атамаларни амалиётлар интеграцияси асосида ўзлаштириш, ҳодисанинг қизиқарли жиҳатларини аниқ ифодалаш, уларнинг англаш имкониятларини кенгайтиради.

Адабиётлар:

1. Рахимов Б.Ҳ., Мавлянов А., Чориев В., Абдалова С., Темирова Н. Педагогик технологиялар схемаларда / А.П.Парпиев таҳ. остида. -Т: Фан ва технология, 2009. -123 б.
2. Мавлянов А., Абдалова С., Юсупова Л. Интерфаол усуллардан фойдаланиб ўқитиладиган машғулотларда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш. -Т: Фан ва технология, 2009. - 102 б.
3. Мавлянов.А, Абдалова.С, Юлдашев.Х.О, “Касб-хунар коллежларида ўқув амалиётини ташкил этиш методикаси”. Ўқув услубий қўлланма. –Т: Фан ва технология, 2014. -162 б.
4. Мавлянов.А, Абдалова.С, Байметов.М.М, “Касб-хунар коллежларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграцияси”. Услубий тавсиянома. –Т: Фан ва технология, 2014. - 115 бет.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари, ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган кўникмалар ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В донной статье рассматриваются дидактические принципы обеспечения интеграции учебной и производственной практики, навыки, которые необходимо приобрести ученикам.

SUMMARY

The bottom article discusses the didactic principles of ensuring the integration of educational and industrial practice, the skills that students need to acquire.

## ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАШНИ ИЛМий ТАШКИЛ ҚИЛИШ

*Балтабоев С. А.*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Спорт ва чақириққача ҳарбий таълим” факультети “Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси*

*Сатторов В.Н.*

*Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси*